

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИДАН ТЕСТЛАР

1. **Ҳукмга қўйилган қайси талаб нотўғри?**
2. **Агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ЖПК талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса ... деб топилади.**
3. **Агар ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни _____ кўриб чиқишга киришади.**
4. **Далил нима?**
5. **Биринчи инстанция судининг ҳукми устидан апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм элон қилинган кундан этиборан _____ ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан еса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан этиборан шундай муддат ичида берилиши мумкин.**
6. **Суд кўздан кечириш суд ҳаракатини кимлар иштирокида ўтказилади**
7. **Шахсга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилганда муддат қачондан бошлаб ҳисобланади?**
8. **Ким томонидан ва процесснинг қайси босқичида ярашув тўғрисидаги ариза берилиши мумкин?**
9. **Агар суд тергови босқичида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса....**
10. **Суриштирувчи, терговчи, суднинг эксперт жалб этиш тўғрисидаги талаби ижроси кимлар учун мажбурий**
11. **Олиб қўйиш ёки тинтув тўғрисидаги қарор ва баённоманинг нусхаси кимларга топширилади?**
12. **Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш қандай процессуал ҳужжат асосида амалга оширилиши мумкин?**
13. **Қайси ҳолатларда тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари далил сифатида эътироф этилиши мумкин?**
14. **Рад қилиш масаласи суд мажлиси давомида қанча муддатда ҳал этилади?**
15. **Жиноят процессида одил судловни қайси судлар амалга оширади?**

16. Агар, қонун жиноят ишларини юритишда шубҳалар келиб чиқса улар қандай ҳал қилинади?
17. Жиноят-процессуал кодекси нормаларига мувофиқ кимлар ўз айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас?
18. Жиноят ишларини юритиш қайси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади?
19. Суд ҳукми эълон қилинган, кимларни суд мажлиси залида дарҳол қамқдан озод қилмайди?
20. Шахсни жиноят содир қилганликда ушлаб туриш муддати қанча?
21. Умумий юрисдикция судлари томонидан амалга ошириладиган жиноят ишларини юритиш билан боғлиқ масалаларни хорижий давлат ҳудудида бажариш тўғрисидаги сўровни юбориш ваколатига эга органни кўрсатинг.
22. Судья озодликдан маҳрум этилган ёш боласи бор маҳкумага ҳукм ижросини қанча муддатга кечиктириши мумкин?
23. Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга, кинога олишга кимнинг рухсати билан йўл қўйилади?
24. Суд мажлисининг баённомаси қачон имзоланиши лозим?
25. Суд мажлисида прокурорни рад қилиш масаласи ким томонидан ҳал этилади?
26. Суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари яширин эълон қилиниши мумкинми?
27. Одил судловни амалга оширишда захирадаги халқ маслаҳатчилари кимнинг ҳуқуқларидан фойдаланади?
28. Кўздан кечириш корхонада, муассасада, ташкилотда ўтказилса кимнинг иштирок этиши шарт?
29. Жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган субъектларни кўрсатинг.
30. Жиноят-процессуал қонунчилиги бўйича суд муҳокамаси умумий (бирламчи) муддати қанча?
31. Жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни ким аниқлаши шарт?
32. Жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан қанча муддатгача узайтирилиши мумкин?
33. Исбот қилишни ким амалга оширади?

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДАН ТЕСТЛАР

34. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш жинояти ...
35. Шахсни ўта хавфли рецидивист деб қандай топилади?
36. Содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади. Ушбу қоида қайси принципда ифодаланган?
37. Қасдан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг субъект ёши неча ёш?
38. Қийнаш жиноятининг объекти ...
39. Таъмагирлик ниятида қасдан одам ўлдириш қайси пайдан бошлаб тамом бўлган жиноят ҳисобланади?
40. Ҳомиладорлиги аён бўлган аёлни ўлдириш деб квалификация қилиш учун ҳомиладорлик муддати қанча бўлиши талаб этилади?
41. “Икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдириш” деб квалификация қилишнинг зарурий белгиси ...
42. ЖКнинг 98-моддасидаги “Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан одам ўлдириш” жиноятида аффе́ктнинг қайси тури назарда тутилган?
43. Мотив ва мақсад жиноят таркибининг қайси элементи факультатив белгилари ҳисобланади?
44. Таносил касаллигига чалинган А. Б. билан жинсий алоқада бўлади, натижада Б. ҳам таносил касаллигига чалинади. Аммо у шифокорлар ёрдамида даволанади. Шундай ҳолда А. жавобгарликка тортиладими?
45. Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш жиноятининг объекти ...
46. Номусга тегиш жиноятининг объектив томони бу - ...
47. Номусга тегиш жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?
48. Жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс иштирокчилик турларидан қайси бирига киради?
49. Шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш жиноятининг объектив томони белгиларини кўрсатинг
50. Қуйидаги жиноятларнинг қайси бири учун жиноят мотиви зарурий белги ҳисобланади?
51. Кўп хотинли бўлиш жиноятининг муҳим белгиси нима?
52. Оилавий(маиший) зўравонлик жиноятининг объекти....

53. Қайси жиноят бўйича айбдор етказилган моддий зарарни уч бараварига тенг миқдорда қоплаган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилмайди?

54. В. уй-музейдан қиймати 1500 АҚШ долларига тенг бўлган бронза ҳайкалчани ўғирлайди ва уни танишига 500 АҚШ долларига сотади. В.ни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилинг.

55. Вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган жиноятлар қандай жиноятлар ҳисобланади?

56. Қилмишда ушбу Кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса

57. Г. ўч олиш мақсадида Б.ни ўз дала ҳовлисига олиб бориб қамаб қўяди. Б. у ерда уч кун оч қолиб кетади. Бундан ташқари Г. уни уч кундан сўнг келиб дўппослаши натижасида оғир тан жароҳати олади. Г.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

58. Мажбурий жамоат ишлари қанча соатгача бўлган муддатга тайинланади?

59. Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш жиноятининг бевосита объекти нима?

60. Хизмат бўйича чеклаш жазоси қанча йил муддатгача қўлланилади?

61. Тасвирлов диспозиция бу –?

62. Бланкет диспозиция бу –?

63. Маҳкумни жамиятдан ажратиш жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборат бўлган жазо тури қайси?

64. Формал таркибли жиноятларнинг зарурий белгиси?

65. Қуйидагилардан қайси бири жазо турига кирмайди?

66. Жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра турлари қайси жавобда тўлиқ ва тўғри кўрсатилган ?

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР

67. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари?

68. Қайси ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга?

69. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар қайси қонунчилик асосида юритилади?

70. Маъмурий жавобгарликка тортилиш ёшини аниқланг.

71. Кимга нисбатан Болалар масалалари бўйича комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади?

72. Маъмурий жазо қўлланиш муддатларини истисно этувчи ҳолатни кўрсатинг.

73. Шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланадиган муддатни кўрсатинг.

74. Иммуниетга эга бўлган шахсларнинг маъмурий жавобгарлик доирасини аниқланг.

75. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун ким маъмурий жавобгарликка тортилади?

76. Юридик шахсга тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, ким маъмурий жавобгарликка тортилади?

77. Божхона органига товарлар ва транспорт воситалари учун боғхона декларациясини, ҳужжатлар ва қўшимча маълумотларни белгиланган муддатларда тақдим этмаслик учун ким маъмурий жавобгарликка тортилади?

78. Товарларни боғхона режимида сақлаш муддатларига риоя этмаслик учун ким маъмурий жавобгарликка тортилади?

79. Боғхона ҳудудига илгари олиб кирилган товар ва транспорт воситаларини агар уларни қайтариб олиб чиқиш шарт бўлса, боғхона ҳудудидан ташқарига белгиланган муддатларда олиб чиқмаслик учун ким маъмурий жавобгарликка тортилади?

80. Солиқ органларининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмасликда ифодаланган ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун ким маъмурий жавобгарликка тортилади?

81. Зарурий мудофаа тушунчасига тўғри таъриф берилган жавобни топинг.

82. Охирги зарурат тушунчасига тўғри таъриф берилган жавобни топинг.

83. Ақли норасолик ҳолатининг белгилари тўғри берилган жавобни топинг.

84. Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш асосини топинг.

85. Жисмоний ёки рухий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан кўрқитиш натижасида ҳуқуқбузарлик содир қилиниши ...?

86. Ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш асослари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

87. Ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида қўлланиладиган маъмурий жазо турларини тўғри кўрсатинг.

88. Фақат асосий жазо тариқасида қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий жазо турларини тўғри кўрсатинг.

89. Битта маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо қўллаш тартиби қандай?
90. Кимларга нисбатан жарима жазоси қўлланилмайди?
91. Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш маъмурий жазоси кимларга нисбатан қўлланилмайди?
92. Мусодара қилиш маъмурий жазоси кимларга нисбатан қўлланилмайди?
93. Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш маъмурий жазоси кимларга нисбатан қўлланилмайди?
94. Ҳақорат қилиш бу ?
95. Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш маъмурий жазоси кимларга нисбатан қўлланилмайди?
96. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш маъмурий жазоси кимларга нисбатан қўлланилмайди?
97. Маъмурий қамоққа олиш жазоси кимларга нисбатан қўлланилмайди?
98. Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш жазоси кимларга нисбатан қўлланилмайди?
99. Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турларини кўрсатинг.
100. Маъмурий жазо қўлланилиш чоғида ҳисобга олинадиган ҳолатларни кўрсатинг.